БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 132 (623)

7 ИЮЛЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин

Июль — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой

Колхоз ва совхозларимизнинг поёнсиз пахта далаларида ғўзалар вояга етиб, ҳозир мўл ҳосил тўплаш даврини кечирмоқда. Яхши авж олиб ўсаётган, гуллаш фазасига кирган ғўзалар кундан-кунга етилиб, кўсак тугмоқда. Илгор пахтакорлар Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан суръатни янада ошириб, ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш, шона ва тугунчаларнинг кўпроқ тутиб қолишини, кўсакларнинг солмоқдор бўлиб етилишини таъминлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон», Сталин номли, Бекобод районидаги Дзержинский номли, Янгийўл районидаги Ленин номли, Сталин номли, Октябрь районидаги Каганович номли ва бошқа бир қанча илғор колхозларда ғўзалар яхши авж олиб ўсмоқда. Илгор пахтакорларнинг эришган дастлабки ютуқлари, яхши иш тажрибалари шубҳасиз аҳамиятли бўлиб, ўзидан вояга етиб, ҳозир мўл ҳосил тўплашдан иборат.

Узбекистон КП Марказий Комитети «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида бундай деган эди: **«Ҳозир мўл пахта ҳосили етиштириш ва ҳосил тўплаш учун энг масъулиятли давр бошланди. Июль ойида ҳосилнинг тақдири ҳал қилинади. Ҳамма гап — ғўза парваришидаги ишларнинг ўюшқоқлик билан ўтказилишига, колхоз, МТС ва совхозлардаги барча мавжуд моддий-техника воситалари ва меҳнат резервларидан тўла фойдаланишга, ғўза парваришидаги ҳамма ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга боғлиқдир.**

Июль ойида ҳар бир туп ғўзани намунали парвариш қилиш йўли билангина олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашни гарантиялайдиган даражада ҳосил олиш учун зарур миқдорда кўсак етиштириш ва сақлаб қолиш, ҳосилни барвақт етилтиришга эришиш мумкин».

Бироқ, очиқ эътироф қилиш керакки, Узбекистон КП Марказий Комитетининг бу қарори ҳали кўпчилик колхоз ва совхозларда қониқарсиз бажарилмоқда. Айниқса Боёвут, Бекобод, Пискент, Октябрь, Чиноз ва Ўрта Чирчиқ районларидаги колхозларда, «Оққўрғон», «3-Боёвут», «4-Боёвут» совхозларида ғўзаларнинг аҳволи жуда ачинарлидир. Юқорида қайд қилиб ўтилган район ва совхозларнинг раҳбарлари ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланган июльнинг бир ҳафтаси ўтиб кетганига қарамасдан, ҳали ҳам ғўза парваришида бўшашувчиликка йўл қўймоқдалар, ғўзанинг ривожланишини таъминлаш учун барча мавжуд моддий-техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланмаётирлар. Айрим участкаларда ғўзанинг яхшироқ ривожланаётганлигидан мағрурланиб, зараркунандаларга иссиқ овқат, яслилар ва болалар боғчалари ташкил қилиш, колхозчиларга пул ва натура авансларини, совхоз ва МТС ишчиларига эса иш ҳақини ўз вақтида бериб бориш керак, токи ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва трактор-чи белгиланган иш нормасини бажариб ва ошириб бажариш имкониятига эга бўлсин.

Мўл ҳосил ўсталарининг иш тажрибаларини ҳосил тўплаш ва уни сақлаб қолиш даврида айниқса кенг пропаганда қилиш, звенолар, бригадалар, колхозлар, совхозлар ва МТСлар ўртасидаги социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини системали равишда якунлаб бориш — қишлоқ партия ташкилотларининг бурчидир.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Июль ойида ҳосилнинг тақдири ҳал қилинади. Областимиз пахтакорлари томонидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш имкониятини берадиган даражада мўл ҳосил тўплаш учун июль ойида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилайлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришини янада кучайтиришга сафарбар этайлик!

СССРдаги ёшлар ташкилотлари вакилларининг йиғилиши

5 июлда Москвада СССРдаги ёшлар ташкилотлари комсомол, В. И. Ленин номли пионерлар ташкилоти, кўнгилли спорт жамиятлари, Совет ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, архитекторлари союзларининг ёшлар комиссиялари ва ҳокизолар вакилларининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш совет ёшлари Антифашист комитетининг ташаббуси билан чақирилди. Йиғилишда барча иттифоқчи республикалар ва мамлакатдаги бир қанча шаҳар ҳамда областлар ёшлар ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш халқаро ёшлар ҳаракатида совет ёшлари ва уларнинг ташкилотларининг иштирок қилиши билан, совет йигит ва қизларнинг чет эллардаги ёшлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилди.

Совет ёшларининг Улуғ Ватан уруши йилларида тузилган Антифашист комитети ўз оллига қўйилган вазифаларни бажарганлигини эътиборга олиб, йиғилиш бу комитетнинг бундан буён давом этиши мақсадга мувофиқ эмас, деб топди ва СССР Ёшлар ташкилотлари комитетини тузди.

СССР ёшлар ташкилотлари комитети ўз составига кирган ташкилотларни қизиқтирган масалалар юзасидан уларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб боришни, совет ёшларининг бошқа мамлакатлардаги ёшлар билан дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, совет ёшлари ташкилотларининг халқаро ва миллий ёшлар ташкилотлари ҳамда студентлар ташкилотлари билан, ёшлар ҳаракати ва ёшлар группалари билан алоқаларини кенгайтиришга бутун чоралар билан ёрдам беришни, Совет Иттифоқи ёшларини интернационализм руҳида тарбиялашга ёрдам беришни, Совет Иттифоқи ёшларини тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун курашга сафарбар қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Чет элларда амалга ошириладиган турли халқаро тадбирларда совет ёшларининг иштирок қилишини таъминлаш, СССРда ёшлар ва студентларнинг халқаро миқёсда кўрадиган тадбирларига тайёргарлик кўриш ва бу тадбирларни амалга ошириш Комитетнинг вазифаларидандир.

Йиғилиш СССР ёшлар ташкилотлари Комитети тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

Амалий ишларни олиб бориш учун 80 кишидан иборат Комитет, Комитетнинг Президиуми ва Ревизия комиссияси сайланди.

Ўртоқ С. К. Романовский СССР ёшлар ташкилотлари Комитетининг раиси қилиб сайланди.

Узбекистон Совет ёзувчилари союзининг III пленуми

Кеча Тошкентдаги Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида Узбекистон Совет Ёзувчилари союзининг III пленуми очилди. Пленумда Тошкент ёзувчилари ва республикамизнинг бошқа областларидан келган ёзувчилар, СССР Совет Ёзувчилар союзининг, шунингдек республика партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Узбек совет адабиётини янги ғоявий-бадиий юксакликка кўтариш учун» деган темада доклад қилди. Пленум бугун ўз ишини давом этдиради.

Областимизда

☆☆☆

Оқ йўл сизга, комсомол-ёшлар

Вокзалнинг кенг майдони. Шу атрофда қатнаб турган трамвай-троллейбус ва турли автомашиналардан тушган йўловчилар бино ва баъзи дарахтлар соясига келиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Вокзал албатта ҳар доим гавжум бўлади дейдилар. Лекин бугун йўловчиларнинг сони ҳар қачонгилан ҳам кўп. Вокзалнинг ҳамма заллари йўловчилар билан тўлган. Булар Тошкент шаҳрининг Ленин, Фрунзе, Марказий районларидан, Чирчиқ шаҳрининг саноат корхоналаридан келган йигит-қизлардир. Бу ерда ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Қўрқ ва бўз ерларга кўчиб борган кишиларга ҳосилни ўриб йиғиб олишда ёрдамлашайлик!» деб комсомолларга ва барча совет ёшларига қарата қилган мурожаатига жавобан қўрқ ерларга жўнаб кетувчиларнинг митинги бўлди. Митингни Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдунабиев очиб, ўз ҳоҳиши билан ғалла ўрим-йиғимига жўнаб кетувчиларни қизғин табриклади ва уларнинг ишларига муваффақият тилади.

Жўнаб кетувчилар номидан Чирчиқдаги «Средазхиммаш» заводи ширпотреб цехининг прессовщиги Тухтор Ўсмонов, Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 26-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Иброҳим Ахроров, Узбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли автобаза механика мастерскойининг мудири, КПСС аъзоси Борисенко, Тошкент чет тиллар институти 3-курс студенти Клара Сойбовалар сўзга чиқдилар. Улар қўрқ ва бўз ерларга кўчиб борганларга ғаллани ўриб-йиғиб олишда актив ёрдам беражаклари, ишда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмаёзликлари ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг билетлар тарқатилди. Кўнгиллилар «Тошкент — Акмолинск» поездига ўтирдилар. Поезднинг жўнаши эълон қилинди. Кузатувчилар жўнаб кетувчиларга қўлларини силкитиб, «оқ йўл сизга, комсомол -ёшлар!» деб хайрлашиб қолдилар.

Кеча комсомол-ёшлардан 500 киши қардош Қозоғистон республикасининг Жамбул область ғаллакорларига ғаллани ўриб-йиғиб олишда ёрдам бериш учун жўнаб кетди.

Т. УНАБОЕВ.

Суратда: жўнаб кетувчиларни кузатиш пайти.

И. Глауберзон фотоси.

Мусобақа натижалари

Қорасув район саноат комбинатининг коллективи 6 ойлик топшириқни муддатидан анча илгари бажарди ва шу кунгача пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

Социалистик мусобақада июнь ойи топширигини муддатидан илгари 160 процентга етказиб бажарган тикув цехининг ишчилари олдинда бормоқдалар. Коллектив эришилган муваффақиятларни ошириб чиқаришда янги ютуқлар билан мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Тошмуҳамедова, Пастухова ва Норбоева каби 50 дан ортиқ илғор ишчи 1956 йил топширигини ҳозирдаёқ бажариб қўйиб, 1957-1958 йиллар ҳисобига ишламоқда.

Комбинат коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида кўп меҳнат талаб этадиган ишларни механизациялаштириш, меҳнатни рационал ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Тикув цехидаги иш процесси конвейер усулига кўчирилди. Натижада маҳсулот тайёрлаш ўтган йилнинг худди шу даврдагига нисбатан 45 процент ортди. Илгарилари ҳар бир ишчи смена давомида 4 талан телогрейка тайёрлаган бўлса, эндиликда у 8-10 тага етказиб телогрейка тайёрламоқда.

Т. ЯИЛОВОВ.

Комбинат коллективининг муваффақияти

Сирдарё район маҳаллий саноат комбинатининг коллективи 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Корхонада ярим йиллик план муддатидан анча илгари 103,5 процентга етказиб бажарилди ва қўшимча равишда бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Комбинат цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада Рўзиохунов ва Сатиев ўртоқлар бошлиқ цех ишчилари олдинда бормоқдалар. Бу ҳар икки цехда 6 ойлик топшириқ 150 процентга етказиб бажарилди. Комбинат коллективи эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

А. МУҲАМЕДОВ.

☆

Бимирза аканинг ташаббуси

Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхозига шу йилнинг бошларида 8 бош чўчқа келтирилди. Колхознинг ишчан аъзоларидан ўртоқ Бимирза Нормирзаев колхоз правлениесига келиб, чўчқаларни боқишга ҳоҳишини билдирди. Колхоз правлениеси Бимирза аканинг илтимосини қондириб, унга чўчқа боқишни топширди. Бу янги касб анча қийин ва масъулиятли эди. Меҳнатсевар Бимирза ака фидокорлик билан меҳнат қилиб, чўчқа боқишда катта муваффақиятларга эришаётир. Ҳозир 5 та чўчқа болалади. Чўчқаларнинг сони 40 бошга етди. Боқилаётган чўчқаларнинг ҳар бири кунига 300-350 граммдан семирмоқда.

Бимирза ака йил охиригача чўчқалар сонини 70 бошга етказиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда.

Ч. ИСРОИЛОВ.

Ғалла ўрим-йиғими кучайтирилмоқда

Шу кеча-кундузда Ховос районининг ғаллакорлари ўрим-йиғим ишларини кенг авж олдириб юбордилар. Улар бу муҳим вазифага ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан киришганликлари сабабли янги муваффақиятларни қўлга киритаётирлар. Айниқса Охунбобоев номли, Маленков номли ва Киров номли колхозларда ғалла ўрими яхши уюштирилган. Колхозчилар МТС механизаторлари билан мустаҳкам ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Механизаторлар «Сталинец» 6 комбайнлари билан ҳар куни пландаги 10 гектар ўрнига 15-18 гектардан ерлаги ғаллани ўришга эришаётирлар. Ҳар гектар ердан олинган ғалла ўттан йилгига нисбатан 3-4 центнердан ошмоқда. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда МТСнинг ўртоқ А. Мардовцев, Самаркин, Паромонов каби комбайнчилари бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаётирлар.

Х. БОЙМАТОВ.

Ремонт ишлари қизиб кетди

Ўртасарой районининг кўпчилик мактаблари янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса районнинг Каганович номли 18-ўрта мактабида ремонт ишлари сифатли олиб борилмоқда.

Бу йил мактабда 10 та синф ва лаборатория хоналари ҳамда клуб ремонтдан чиқарилиши керак. Ҳозирданоқ 10 та синф хонасининг ташқи ва ички қумсувоқлари, оқлаш ва бўяш ишлари тугалланай деб қолди.

Барча синфларнинг поллари ҳамда парталарини бўяш, стол, стулларни ремонтдан чиқариш ишлари намунали олиб борилмоқда. Янги ўқув йилида политехника таълимини янада яхшилаш мақсадида мактабда устахона қурилмоқда. Унга зарур инвентарлар келтирилди. Устахона қуришда 8, 9- синф ўқувчилари яхши ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шунингдек ўртоқ Т. Умаров директорлик қилаётган 15-тўлиқсиз ўрта мактабда ҳам ремонт ишлари қизғин давом этмоқда.

Т. ОТАҚУЛОВ.

КОРЕЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КХДР Министрлар кабинетининг раиси маршал Ким Ир Сен ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари Совет ҳукуматининг таклифига биноан, олтинчи июлда Москвага келдилар.

Марказий аэродромда меҳмонларни Н. А. Булганин, Л. И. Брежнев, Е. А. Фурцева, СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ва бошқа расмий шахслар кутиб олдилар. (ТАСС).

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ Д. Т. ШЕПИЛОВ ШАҲЗОДА НОРОДОМ СИАНУКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов 6 июлда шаҳзода Нородом Сианукни қабул қилди.

Камбоджа бош министри Ким Тит ва Король Олий Кенгашининг аъзоси Ланг Нгет Король Ҳазрат Олийларига ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул маросимида СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикасининг дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, КХДР Министрлар Кабинетининг Раиси ўртоқ Ким Ир Сен бошчилигида Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси бугун Москвага келади.

Совет халқи ўз ватанининг бахт-саодати йўлида тинч шароитда фидокорона меҳнат қилиб, тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшаётган қаҳрамон корейс халқининг вакилларини қизғин ва самимий табриклайди. Ҳуқуқий тенглик, мустақиллик ва ўзаро ёрдамлашишнинг мустаҳкам марксча-ленинча принципларига асосланган буюк традицион дўстлик совет ва корейс халқларини бирлаштиради.

1950-1953 йилларидаги оғир уруш даврида корейс халқи дучор бўлган машаққатли синовлардан кейин Корея Халқ-Демократик Республикаси Совет Иттифоқи билан, Хитой Халқ Республикаси билан ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари билан бўлган ва йил сайин кучайиб бораётган мустаҳкам дўстликка таяниб, қисқа вақт ичида экономика ҳамда маданиятни тинч шароитда тиклаш ва ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Домна ва мартенларда яна металл қуйилабошланди. Дала ва боғларнинг мўл ҳосили кишини қувонтиради. Янги турар-жойларнинг корпуслари ҳамма ерда қад кўтармоқда. Мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртларининг эшиклари кенг очиб қўйилди.

Шимолий Корея тупроғида тинч ижодий меҳнат тантана қилмоқда ва жуда яхши самаралар бермоқда. КХДР меҳнаткашлари урушдан кейинги даврда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш уч йиллик планини Корея Меҳнат партиясининг раҳбарлиги остида муваффақиятли суратда бажариб келмоқдалар. 1955 йилнинг биринчи ярмидаёқ саноат ишлаб чиқаришининг урушдан аввалги даражасига эришилди ва бу даражадан ўзиб кетилди.

Озод ва бахтли ҳаёт барпо қилиш йўлидан, социализм қуриш йўлидан бораётган КХДР меҳнаткашлари тинч қурилиш соҳасида кун сайин янгидан-янги буюк ғалабаларга эришмоқдалар. Республикада қийинчиликлар ҳали кўп, албатта. Вайронгарчилик урушнинг оқибатлари ҳануз ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таъминот соҳасида карточка системаси ҳали ҳам бекор қилинган эмас. Уй-жой етишмаётир. Корейс халқи ана шу қийинчиликлар муваққат қийинчиликлар эканлигини ва бу қийинчиликлар тез орада йўқотилажагини яхши билади. КХДР меҳнаткашлари мамлакатга интервентлар томонидан етказилган оғир жароҳатлар тамомила даволанаётган пайтнинг келишини ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан тезлаштирмоқдалар.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ўз саноатини қишлоқ хўжалигини юксалтиришга ва маданиятни янада ривожлантиришга ғоят кўп меҳнат сарф қилиб, халқ-демократик тузумини мустаҳкамламоқдалар. Халқ-демократик тузум уларга социалистик қурилишнинг чексиз имкониятларини очиб берди. Шимолий Корея халқи ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатни тинч бирлаштириш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитни ҳам вужудга келтирмоқда.

Корея шу вақтгача икки қисмга ажралган ҳолда қолиб келмоқда. Мамлакатнинг шимолида экономика муваффақиятли суратда ўсиб, маданият юксалиб бораётган, ишсизлик тугатилган, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги яхшиланиб бораётган бир пайтда мамлакатнинг жанубида террор ҳукм сурмоқда, уруш ваҳимаси авж олмоқда, ишсизлар сони кўпаймоқда. Корейс халқи ўз ватанининг тинч йўл билан тез бирлаштирилишини истайди.

Кореяда яраш битимининг имзоланганлиги ва Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимнинг тузилганлиги манфаатдор томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли жанжалли масалаларни ҳал этишнинг бирдан-бир амалий ва ишончли йўли эканлигини бутун дунёга кўрсатди. Бу йўл Кореяни тинч воситалар билан бирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ҳам ҳамиша очиқдир.

1954 йилда бўлиб ўтган Женева конференциясида Совет Иттифоқи ҳукумати, шунингдек Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукуматлари Корея проблемасининг ижобий тарзда ҳал этилишига эришиш учун бутун кучларини сафарбар қилдилар. АҚШ делегацияси масалани шу йўсинда ҳал этишга халақит берадиган позицияда турганлиги учунгина бу ишда муваффақият қозонишнинг ложи бўлмади.

Кореяда яраш битими тузилганлиги Осиёда ва бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатишда жиддий роль ўйнаганлиги ҳаммага аёндир. Кореянинг тинч йўл билан бирлаштирилиши халқаро муносабатлардаги кескинликни янада юмшатиш ишига янги, янада катта ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди, бунга шаксшубҳа йўқ. Ер юзидаги халқлар Кореядаги ярашишни мустаҳкам ва доимий тинчликка айлантириш учун, ўз ватанини тезроқ бирлаштиришга эришишда корейс халқига ёрдам бериш учун кўп ҳаракат қилмоқдалар.

Аммо, «совуқ муносабатлар уруши» сиёсатининг тарафдорлари Кореяни тинч йўл билан бирлаштиришга халақит бериш ва бу билан халқаро кескинликнинг юмшатилишига тўсқинлик қилиш учун қўлларидан келган бутун чораларни кўрмоқдалар. АҚШнинг Жанубий Корея территориясида яраш битимига риоя қилинишини кузатиб турувчи бетараф комиссия инспекция группаларининг ишларини тўхтатиш тўғрисида бир томонлама қарор қабул қилганлиги бу жиҳатдан характерлидир.

Корейс халқи мамлакатнинг мажбурий тартибда парчаланган ҳолда қолдирилишига тоқат қилишни истамайди. Корейс халқи ўз ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун олиб борилаётган қаттиқ курашни давом эттиришга қатъий қарор бергандир. Корейс халқи ана шу адолатли ва муқаддас ишда ғалабага эришади, чунки бутун прогрессив инсоният уни қўллаб-қувватламоқда. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, халқларнинг ҳоҳиши билан ҳисоблашмайдиган кишилар ўз сиёсатларида муқаррар ҳалокатга учрайдилар. Корея проблемаси бутун корейс халқининг манфаатлари ва орзу-тилакларига тамомила мувофиқ суратда ҳал этилиши мумкин ва ҳал этилиши лозим.

Бутун дунёдаги соф виждонли кишилар қаҳрамон корейс халқининг тинч қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини табриклямоқдалар ва ватанни бирлаштириш йўлидаги курашда уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет халқи ана шу юксак туйғуларга тамомила қўшилади. Совет халқи қардош корейс халқининг социализм қурилишида, тинчлик учун ва ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашда янги, янада катта муваффақиятларга эришувини тилайди.

Маршал Ким Ир Сен бошчилигида Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг Москвага келиши абадий ва бузилмас Совет-Корея дўстлигига шубҳасиз янги ҳисса қўшади, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қардош халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни тағин ҳам ривожлантиришга ёрдам беради. КХДР ҳукумат делегациясининг бу визити Осиёда ва бутун дунёда халқаро кескинликни янада юмшатиш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Азиз дўстлар ва ўртоқлар, хуш келибсиз!

(«ПРАВДА»нинг 6 июлдаги бош мақоласи).

Партия ва халқимизнинг мустаҳкам бирлиги

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Ленинизм ғоялари билан суғорилган қарор

КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорини Тошкент темир йўлчиларининг кўпкиршилик коллективи кўтаринки руҳ билан кутиб олди ва уни яқдиллик билан маъқуллаб, ёқлаб, ажсинча унинг сафлари янада маҳкамроқ жипслашади, унинг халқ оммасининг кенг қатламлари билан алоқаси тагин ҳам мустаҳкамланади, обрўси мисли кўрилмаган даражада ошади. Биз коммунистлар партиямиз Марказий Комитети тезарагига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашамиз.

— Умуман шахсга сиғиниш, айниқса И. В. Сталиннинг шахсига сиғиниш, — дейди завод бош инженери Ўртоқ Алексей Поликарпович Булгаговский,—партияга, халқимизга жуда катта зарар келтирди. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тугатишга қатъий киришиб, жуда тўғри иш қилаётир. Бу совет кишиларини тарбиялашда, КПСС XX съезди кўрсатмаларини амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XX съезди,—дейди Тошкент темир йўл станцияси паровоз депосининг кекса машинисти Ўртоқ Иван Сергеевич Леонидов,—мамлакатимиз тарихида янги босқич бўлиб ҳисобланади. Съезддан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин шунга қарамай, халқимиз партия раҳбарлигида сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, халқ аро аҳволдаги кескинликни камайтириш учун курашда янги муваффақиятларга эришди. Бу КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати амалга ошираётган доно сиёсатнинг самарасидир.

Биз бундан буён КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган курашимизни янада кучайтирамиз. Бу қарорларда бизнинг барча орзу ва тилакларимиз ўз ифодасини топган.

Депо бошлиғи Ўртоқ Азим Мухамедов қуйидагиларни айтди:

— Сталин ҳаётининг кейинги йилларида йўл қўйилган жиддий хатолар ҳақида партиямиз кенг халқ оммасига очиқдан-очиқ айтиб бераётир. Бу партиямизнинг кучини, унинг ленинизм голиб байроғига садоқатини яна бир карра тасдиқлайди. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тамомила бартараф қилишни таъминлайдиган тадбирлар кўрилаётганини биз тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслашамиз

Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровозларга ремонт заводининг темирчилари, партиясиз ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорини кенг муҳокама қилмоқдалар ва тўла маъқулламоқдалар. Барча цех ва бўлимларда бу муҳим ҳужжат зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганилмоқда.

Заводнинг кадровой ишчиси, вагонйиғиш цехининг кекса слесари Ўртоқ Александр Николаевич Соколов бундай дейди:

— Партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети шахсга сиғинишга қарши қатъий кураш олиб бориб жуда тўғри иш қилаётир, десам заводимизнинг барча коммунистлари ва партиясиз ишчиларининг фикрини ифодалаган бўламан. Чунки бутун коллективимизнинг руҳи шундан далолат бермоқда.

Биз совет кишилари далиллик билан ўз-ўзини танқид қилиш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни очиб ташлаш ҳамда соҳаларида, халқ аро аҳволдаги кескинликни камайтириш учун курашда янги муваффақиятларга эришди. Бу КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати амалга ошираётган доно сиёсатнинг самарасидир.

Биз бундан буён КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган курашимизни янада кучайтирамиз. Бу қарорларда бизнинг барча орзу ва тилакларимиз ўз ифодасини топган.

Депо бошлиғи Ўртоқ Азим Мухамедов қуйидагиларни айтди:

— Сталин ҳаётининг кейинги йилларида йўл қўйилган жиддий хатолар ҳақида партиямиз кенг халқ оммасига очиқдан-очиқ айтиб бераётир. Бу партиямизнинг кучини, унинг ленинизм голиб байроғига садоқатини яна бир карра тасдиқлайди. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тамомила бартараф қилишни таъминлайдиган тадбирлар кўрилаётганини биз тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз ва халқимизнинг мақсади бирдир

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорини Тошкентдаги лаққўёқ заводининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари зўр мамнуният билан маъқулламоқдалар. Бу тарихий ҳужжат заводнинг ҳамма цехларида агитаторлар томонидан ўқиб берилмоқда.

Лак пишириш цехида ўтказилган суҳбатда мастер Ўртоқ А. Азимов бундай деди:

— Биз, партиямиз Марказий Комитетининг қарорини чин қалбимиздан қувватлаймиз. Бу қарор совет кишиларининг ижодий ташаббусини ва ғайратини ҳар томонлама оширишга катта ёрдам беради.

— Шахсга сиғинишнинг оқибати,— дейди кекса коммунист Ўртоқ М. Фунтиков, — партиямизга озмунча зарар келтирмади. Биз буни жуда яхши биламиз. КПСС Марказий Комитетининг қарорида шахсга сиғинишнинг пайдо бўлиши ва ёйилишига сабаб бўлган факторлар аниқ кўрсатиб берилган. Биз ана шу йўл қўйилган хатоларни тузатиш соҳасида Марказий Комитет кўраётган тадбирларни тамомила маъқуллаймиз.

Шунингдек заводнинг бошқа цехларида ўтказилаётган суҳбатларда ҳам ишчилар партия Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қарорини барча совет кишилари қаторида жиддий равишда ва маъқуллаб, унга жавобан фидокорона меҳнат қилажакларини изҳор этмоқдалар.



«Чирчиксельмаш» заводи инструментал цехининг токари Иван Севостьянов смена топшириғини системали равишда 300 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: И. Севостьянов иш устида.

В. Панов фотоси.

Механизаторларнинг севимли жойи

Чиноз район МТСи ҳузурида ташкил этилган «Ҳаёт» ўқиш-ўйин ва ҳисоб-матчиларининг энг севимли жойи ҳисобланади. Қизил бурчак шинам қилиб безатилган бўлиб, унда турли газета ва журналлар, шунингдек сиёсий, бадиий ва қишлоқ хўжалигига доир адабиётлар ҳамда биллиард, шахмат ва шашкалар бор. МТС партия ташкилоти қизил бурчакка раҳбарлик қилишни агитатор Ўртоқ Колодочкинага топширган. У, механизаторларнинг қизиқ бурчаждан фойдаланишни яхши ташкил этаётир, улар билан турли темаларда суҳбатлар ўтказаётир.

Пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётган механизаторлар ўзларининг бўш вақтларини асосан қизил бурчакда ўтказадилар. Улар бу ерда турли газета ва журналларнинг янги сонларини ўқийдилар, биллиард, шахмат ва шашка ўйнайдилар. Қизил бурчак механизаторларнинг чиннакам маданий дам олиш жойига айланмоқда.

С. ҲАМРОЕВ.

Агитаторлар мактаби

Янгийўл район партия комитети Ленин номли колхозда агитаторлар мактабини ташкил этди. Мактабга 1 ва 2-МТС зоналаридаги агитаторлардан 140 киши жалб этилди.

Агитаторлар биринчи машғулотда «КПСС XX съезди ва унинг тарихий аҳамияти» деган темада дастлабки лекцияни тингладилар. Мактабда машғулотлар план бўйича ойда уч марта ўтказилади. Лекцияларни район партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари, агрономлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўқийдилар.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

БИБЛИОГРАФИЯ

ҲИНДИСТОНГА БИРИНЧИ БЎЛИБ БОРГАН РУС САЙЁҲИ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ўзининг шонли тарихига эгадир. XV асрда рус савдогарлари Ғарбий Европа, Шарқ ва Ўрта Осиё бозорларига бориб товарлар сотган пайтларда Ҳиндистонга бўлган қизиқиш яна ҳам ортиб борди. 1466 йилда Тверь савдогари Афанасий Никитиннинг Юқори Волга товарларини ортган карвони шарққа қараб йўл олади. М. Виташевскаянинг яқинда ўзбек тилида босилиб чиққан «Афанасий Никитин»* деган китобчаси ана шу Шарққа қилинган ажойиб саёҳатни тасвирлашга бағишланган.

Афанасий Никитин жуда кўп қийинчиликлар ва машаққатларни енгиб «уч денгиз орқали» ўтиб ўзининг ажойиб саёҳатини амалга оширди. Шу билан у ўша маҳалда Европада анчагина афсонавий хабарлар тарқалган, бой маданиятга эга бўлган кўҳна Ҳиндистонга «дарча» очди.

Ўз даврининг энг маърифатли кишиларидан бўлган Афанасий Никитин Европада биринчи бўлиб Ҳиндистон ерларига бориш билан бирга, у ерда ҳинд халқи билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, бу халқнинг қадимги бой миллий маданиятини ва турмуш шароитини синчиклаб ўрганди. Унинг саёҳати тўғрисидаги хотираларидан XV асрдаги Ҳиндистон тарихига оид кўп нарсаларни билиш мумкин. Ҳиндистонда саёҳатларнинг кўплиги Никитинни қайратда қолдиради. У ана шу шаҳарлар билан савдо алоқаларини боғлашга оид маълумотларни диққат билан тўплаган.

Афанасий Никитин ўзининг «Уч денгиз орқали саёҳат» номли машҳур саёҳатномасида ҳинд маданияти, санъати, ҳинд ҳунармандлари ижод қилган маҳсулларнинг нозик ва гўзаллиги тўғрисида ҳайратланиб ҳикоя қилади. М. Виташевскаянинг китобчасида бу асар тўғрисида анча мукаммал маълумот берилган. Никитин хотираномасининг асосий йўналиши ҳинд ва рус халқлари ўзаро дўст ва тинч бўлиб яшашлари керак деган ғояга бўйсундирилгандир. Бу ўша даврдаги қадимги рус адабиётида энг илғор, прогрессив фикр эди.

Никитиннинг хотираномаси XV асрдаги Ҳиндистон тўғрисида жуда бой ва хилма-хил материалларни ва географик маълумотларни ўз ичига олади. Унинг ҳинд халқи ҳаёти ва дини тўғрисида ёзган сатрлари ўша давр учун узоқ мамлакат—Ҳиндистон тўғрисидаги ҳақиқий кашфиёт бўлди. Никитин «Уч денгиз орқали саёҳат» асарида қадимги ҳинд халқи ҳаётига оид муҳим ва қимматли фактларни келтиради.

Саёҳатчи Никитин Европа учун бегона бўлган ҳинд ҳаётини ҳафсала билан ўрганди. У савдо алоқалари, ҳинд ҳокимларининг ўзаро урушлари, экин экиш мавсуми, саройлар ва арқлардаги ўймакорлик санъати, ҳиндистонликларнинг ҳудога тобиниши ва урф-одатлари, уларнинг эртак ва афсоналари, кийинишлари, истеъмол қиладиган озиқ-овқатлари, ҳинд осмонида порлаб турган юлдузлар ва у ернинг иқлим шароити билан қизиқади.

У ўз саёҳати даврида қуруқчилик кўп бўладиган Декан вилоятига боради. Бу ерда кекса ҳинд Пир-Бобо билан танишади. Саёҳатчи Бобоникига тез-тез келиб туради. Кекса ҳинд ундан Русь мамлакати ва саёҳат қилган бошқа жойлари тўғрисида сўрарди. Никитин одамга эл бўладиган ва кишилар билан тез дўстлашиб кетадиган одам эди. У кўпгина ҳиндистонликлар билан яқиндан танишади. Улар рус саёҳатчисига тирикчиликлари, олди-сотдилари, номоз ўқишлари ва худога сиғинишлари тўғрисида очиқ сўзлаб берардилар. Афанасий суҳбатларда эшитганлари ва ўз кўзи билан кўрганларини системали равишда ёзиб борди. У ҳатто Ҳиндистоннинг ўзи бора олмаган ерлари тўғрисида маълумотларни у ерларга бориб келувчи ҳинд савдогарларидан сўраб оларди. Никитиннинг ҳиндистонликлар сўзига биноан Цейлон ороли ва Ҳиндистондан узоқ бўлган бошқа Шарқ мамлакатлари тўғрисида ёзиб олган маълумотлари Русьга ҳам, Ғарбий Европага ҳам илгари маълум эмас эди.

Бегона мамлакат ҳаётини қунт ва сабот билан ўрганган рус саёҳатчисига учраган ҳамма нарса қизиқарли ва янгилик бўлиб туюлди. У ҳинд савдогарлари билан бирга мамлакатнинг узоқ шаҳар, вилоятларига саёҳат қилади.

Узоқ йиллик машаққатли саёҳатида Никитин ҳеч қачон ўз Ватанини эсидан чиқармади. Она-Ватани тўғрисидаги ҳиссиёт бутун саёҳатида унга илҳомбахш йўлдош бўлди. У ўлимидан сал олдин ўз саёҳатномасини ёзиб тугатар экан, ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган ҳолда, Россия ҳақида шундай дейди: «Русь ерининг боярлари адолатсиз бўлсалар ҳам дунёда ундан ажойиб ер йўқ. Русь ери обод бўлсин ва унда адолат ўрнатилсин!»

1472 йил баҳор ойларида Никитин ўз Ватанига қайтади. У жуда катта қийинчиликлар билан зўрга Қримга етиб келди. Машҳур саёҳатчи Смоленскка яқинлашиб қолганда вафот этади. Русь савдогарлари унинг жасадини Москвага олиб келадилар.

М. Виташевскаянинг Афанасий Никитин саёҳатига бағишланган китобчасини ўқиган ҳар бир китобхон Ҳиндистон билан дўстликда ўтган беш асрни кўз олдига келтиради. Икки буюк халқ — Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва энг яқин қўшничилик алоқалари борган сари мустаҳкамланиб, дунёда тинчликни сақлаш ишида катта қудратли куч бўлиб қолган бир пайтда бундан беш аср илгари машҳур рус саёҳатчиси Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга борганлиги бу дўстликнинг муқаддимаси сифатида майдонга чиқмоқда.

Таржимон Ўртоқ С. Қораев «Афанасий Никитин» китобчасини асосан яхши таржима қилган. У, китоб мазмунини рус тилидаги оригиналига мумкин қадар яқин қилиб беришга ҳаракат қилган. Лекин таржимада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Булар баъзи сўз ва иборалари нотўғри, маъносидан узоқ таржима қилинишида кўринади.

Китобча таржимасида камчиликлар бўлишидан қатъий назар, рус саёҳатчиси Афанасий Никитин тўғрисида ўзбек тилида чиқарилган бу асар ижобий аҳамиятга эгадир.

Т. ОБИДОВ.
С. НЕСТЕРОВИЧ.

*М. Виташевская, Афанасий Никитин. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти. Тошкент. 1956 йил.

ҚИШЛОҚДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Қамиш—қишлоқ қурилишида кенг қўлланилиши керак

Ўртоқ Ресслернинг қурилиш ишларида, айниқса қишлоқ қурилишида қамишдан кенг фойдаланиш тўғрисидаги фикри диққатга сазовордир.

Маълумки, Ўзбекистон қамиш запасига бой. Ўрта ҳисоб билан олганда республикамизда ҳаммаси бўлиб 366 минг гектар қамиш ўсадиган майдон бор. Агар шу майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 8 тоннадан қамиш ўриб олинадиган бўлса, йилига 3 миллион тонна қамиш олиш ва ундан 170 миллион квадрат метр қамиш плитаси ишлаб чиқариш мумкин. Ҳозир эса мавжуд қамишларнинг 5-10 процентидангина қурилиш ишларида фойдаланилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари уй-жой ва бошқа биноларнинг проектларини тузаётганларида қамишни девор ва бошқа жойлар учун қўлланишни кўзда тутмаётганликларидир. Ваҳоланки, қамишни оддий девордагина эмас, балки шу билан бирга уй-жой, жамоат бинолари қурилишида, колхоз, совхоз ва МТСларда молхона, қўтан, товуқхона ҳамда турли саройлар қурилишида муваффақият билан ишлатиш мумкин. Шунингдек, бу маҳаллий материални хоналар орасидан иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган тўсиқ сифатида ҳам қўлланиш мумкин.

Бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида Ўртоқ Н. С. Хрушчев қамишни қурилишда кенг қўлланишга эътиборни кучайтириш керак, деб таъкидлаган эди. Лекин бизда бу кўрсатмага тўла амал қилинмаётир. Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг колхозларга қурилиш ишларини олиб борувчи бош бошқармаси ходимлари маҳаллий материаллардан фойдаланиш тўғрисида кўп гапиранглари билан, амалда кам иш қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам **мен Ўртоқ Ресслернинг қишлоқ қурилиши тараққиётига кам аҳамият берилаётир деган фикрига тўла қўшиламан.**

Шунингдек, Ўртоқ Ресслернинг қамишдан йиғма уйлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган иморатсозлик комбинатлари қуриш тўғрисидаги таклифи ҳам қимматлидир. Шундай қилинганда, катта шаҳарлардаги илғор бинокорлик ташкилотларида бўлганидек қишлоқларимиздаги қурилиш майдонларини ҳам заводларда ва полигонларда тайёрланган конструкция ва деталларни йиғиш майдонларига айлантириш мумкин. Бу — қишлоқ қурилиши соҳасида техникани янада тараққий эттириш, бинокорлик технологиясини мукаммаллаштириш йўлида қўйилган ғоят катта қадам бўлади. Шу йўл билан яқин йиллар ичида қишлоқларимизни посёлка типидаги шаҳарчаларга айлантиришимиз, уларни гўзал ва обод қилишимиз мумкин. Бу жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Шу сабабли тегишли ташкилотлар бу масала устида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

> Газетамизнинг шу йил 77-сонида инженер В. Ресслернинг «Қишлоқда қурилиш ишларини янада ривожлантирайлик» сарлавҳали мақоласи босилиб, унда мақола автори областимизда ва умуман республикада қишлоқ қурилиши жуда секин тараққий этаётганлигини танқид қилиб, бу аҳволни тузатиш юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилган эди. Ўртоқ Ресслер ўзининг кўп йиллик кузатишлари ва бинокорлик соҳасидаги тажрибаларига асосланиб, ёғоч-қамиш панеллари ишлаб чиқарадиган комбинат қуришни таклиф қилган эди.
>
> Редакция бир неча мутахассислардан хат олди. Қуйида ана шу хатлардан баъзи бирларини бесаётирмиз.

Областимизда, умуман республикада қамиш запаси кўп бўлганлигини назарда тутиб, республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги бундай комбинат қуриш юзасидан амалий ишга киришадиган пайт келди. Бундай комбинатларда 1-2 квартирали уй-жойлар ва бошқа маданий ҳамда хўжалик бинолари учун чўпкори-қамиш деталлар ва конструкциялар тайёрлаш керак.

Инженер Ресслер таклиф этаётган ёғоч-қамиш плиталари типи тўғрисида эса жиддий ўйлаб кўриш керак. Менинг фикримча, бу тип бизнинг шароитга тўла мос келмайди. Шу йилнинг бошида республика Шаҳар ва қишлоқ қурилиш министрлиги техника бўлими Қозоғистон давлат проектлаш институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган икки квартирали чўпкори-қамиш йиғма уй проектини олди. Бош архитектор Кельмишкайт ва инженер-конструктор Грессель ўртоқлар ишлаган бу проектнинг афзаллиги шундаки, унда қўлланиладиган деталь ва элементлар (балка, қамиш ёпқичлар, синч, тўсин, дераза, эшик ва бошқалар) унификациялаштирилган. Бу қисмларнинг ҳаммасини заводларда ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Бу проект асосида қуриладиган иморатнинг ҳар квадрат метрига 10 сантиметр қалинликдаги қамиш плитасидан 3,6 квадрат метр ва 7 сантиметр қалинликдаги плиталар 1,17 квадрат метр, тилинган ёғочдан эса 0,285 кубометр сарфланади. Уй-жой биносининг қиммати гиштдан қуриладиган иморатга қараганда икки ҳисса арзонга тушади.

Бундай бинони қуриш учун асосан тахтага сим билан боғланган ва машинада пресслашган бордон ишлатилади. Уйнинг деярли ҳамма деталлари саноат корхонасида тайёрланади. Уларни қурилиш объектига олиб бориб йиғишади, холос. Бундай проект асосида қурилган уй иситиш, электрлаштириш ва радио тўчкалари ўрнатилишини ҳам ҳисобга олганда тахминан 17 минг сўмга тушади.

Кўриниб турилтики, Ўртоқ Ресслернинг ёғоч-қамиш плиталари тўғрисидаги таклифидан қозоғистонлик ўртоқларнинг проекти анча эффектлидир. Эндиги вазифа чўпкори-қамиш плиталарини қурилиш практикасида синаб кўриш ва лозим бўлса, уни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуришга тезда киришишдан иборат.

Шуни ҳам айтиш керакки, бинокорлик ишларида қамишнинг шу пайтгача кенг қўламда қўлланилмай келаётганига асосий сабаблардан бири кўпгина проектчи, архитектор ва бинокор ўртоқларнинг бу материалга нисбатан менсимаслик ва паст назар билан қараётганликларидир. Ваҳоланки, қамиш—енгил, мустаҳкам, ҳажмини ўзгартишга қулай ва жуда кўп мақсадлар учун фойдаланиш мумкин бўлган қурилиш материалидир. Икки томонидан сувалган қамиш уй ёғоч уйга нисбатан иссиқлик ўтказиш жиҳатидан икки ҳисса афзаллиги бор. Шунингдек қамиш плитасидан қурилган уй овозни кам ўтказади, ёғочга нисбатан секин чирийди. Қамиш плитаси мўлжалланган жойга ташиш учун қулай ва транспорт харажатлари унга гишт, тош, металл ва бетонга нисбатан бир неча баравар кам сарфланади.

Қамишдан қуриладиган йиғма уйларнинг афзал томонларини Ўртоқ Ресслер бирмунча тўла баён қилиб берган. Айниқса, қишлоқ шароитида малакали бинокор мутахассислар ва ортиқча транспорт воситалари талаб этмай, маҳаллий қурилиш материалидан кенг фойдаланилишининг ўзиёқ қамишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Чўпкори-қамиш уйларнинг қулайлиги яна шундаки, улар ҳар қандай ер қимирлашларга ҳам бардош беради. Бундай уйларни бузиб кўчирилган жойда яна қайта тиклаш мумкин.

Тошкент области шароитида қамишни маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқариш йўли билан ҳозирги пайтда уй-жой ва қишлоқ хўжалик қурилишида кенг ишлатиш мумкин. Ўрта Чирчиқ, Ўртасарой ва бошқа районларда шундай қилинаётир. Область ижроия комитети ҳузуридаги колхозларда қурилиш ишларини олиб борувчи бошқарма (бошлиғи Ўртоқ Бағиров) ва район бўлимларининг ходимлари ўртачирчиқлик ва ўртасаройликларнинг бу соҳадаги дастлабки тажрибаларини ўрганишлари ҳамда уни кенг қўлланишга даъват этишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, Ўртоқ Ресслернинг мақоласида маҳаллий қурилиш материалларидан бири бўлган қамишни қишлоқ қурилишида кенг қўлланиш керак, қамишдан йиғма уйлар ишлаб чиқарадиган комбинатлар қуриш керак, деган таклифини тўла-тўкис қувватлаймиз.

И. ЗАБИРОВ,
Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг инженери.

Менинг мулоҳазаларим

Ўртоқ В. Ресслернинг мақоласи шу кунининг энг актуал масалаларидан бирига бағишланган. Қишлоқ қурилишини ҳамма чоралар билан тез суръатда тараққий эттириш проектчи-архитектор, инженер, бинокор ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар олдига партиямиз томонидан қўйилган масъулиятли ва шарафли вазифадир. Партиямизнинг сўнгги йилларда умуман қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан қишлоқ қурилишини тез суръатлар билан ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлиги бечиз эмас, Ҳозирги социалистик воқилик, коммунизмнинг иқтисодий асосларини қураётган қишлоқ меҳнаткашларининг эҳтиёжи қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан яхшилашни талаб этаётир.

Областимиздаги колхоз, совхоз ва МТСларнинг, чўл биёбон ва кўриқ ерлар ўрнида бунёдга келаётган янги-янги хўжаликларнинг турли хўжалик ва маданий биноларга нисбатан, ҳамда минглаб қишлоқ меҳнаткашларининг янги, маданий ва арзон уй-жойларга нисбатан кун сайин ўсиб бораётган талаби етарли даражада қондирилмаётир. **Кўпчилик қишлоқларимизда уй-жой ёки хўжалик ва маданий-маиший бино қурилиш ишлари қолоқ, кустар усулда олиб борилаётир. Бундай усулда қурилаётган бинолар кеч битишидан ташқари, кўпинча сифати яхши бўлмайди ва бининг кўриниши кўркам чиқмайди.**

Қишлоқ қурилишининг бундай қолоқ, ярим кустар усул билан олиб борилишини тезда тугатмасдан туриб, бу соҳада жиддий муваффақиятга эришиб бўлмайди. Областимизнинг ўзида ҳар йили қанчадан-қанча бинолар қуришимиз, эскиларини бузиб, ўрнига янгиларини тиклашимиз керак. Ўртоқ Ресслер айтганидек, **қишлоқ қурилишининг ҳозирги аҳволини яқин вақт ичида ўзгартиш учун амалий тадбирларни ишлаб чиқиш пайти келди.** Уз-ўзидан маълумки, бу соҳадаги иш проектлаштиришни яхшилашдан, яъни маҳаллий шароитларни, топилиши қулай бўлган бинокорлик материалларини ҳисобга олган ҳолда тез, арзон ва сифатли қуриладиган бинолар проектини яратишдан бошланиши керак.

Инженер Ресслернинг шу ҳақда республика проектлаш ва қурилиш ташкилотлари адресига айтган таниқли мутлақо тўғри. Ҳақиқатан ҳам бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида, шунингдек СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг проектлаш ва архитектура ишларини яхшилаш тўғрисида чиқарган махсус қарорида маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда қишлоқ қурилишини индустриал методлар билан ривожлантириш зарурлиги алоҳида уқдириб ўтилган бўлса ҳам, республика проектлаш ва қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятларида шу кунгача жиддий бурилиш ясаганлари йўқ. Бизда маҳаллий материаллардан индустриал усулда фойдаланиш тадбирлари қониқарсиз даражада ишланмоқда. Мисол учун қамишни олайлик. Қамиш жуда кўп йиллардан бери қўлланиб келинаётган бинокорлик материалидир. Ҳозирги пайтда ҳам қамишдан панеллар ясаш йўли билан ундан кенг фойдаланиш мумкин. Ўртоқ Ресслернинг **қишлоқ қурилишида қамишни кенг қўлланиш мақсадида иморатсозлик комбинатлари қуриш тўғрисидаги таклифига мен ҳам қўшиламан.** Дастлабки вақтда 1-2та шундай комбинат қурилса ҳам анча яхши бўлар эди.

Маҳаллий ресурслардан йиғма уйлар ишлаб чиқарадиган бундай комбинат ҳақиқатан ҳам республикамиз қишлоқ қурилишини тараққий эттириш,

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, чопиқ ва культивация юқори сифатли бўлсин, ҳар бир туп ғўза қониб сув ичсин!

Оржоникидзе районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларн бу йил гектаридан 34 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Колхозчилар олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш учун курашиб, ҳозиргача барча майдонларда ғўзани икки марта комплекс парвариш қилдилар. Шу кунларда ғўзалар зўр бериб озиқлантирилмоқда. Бу йил ғўзалар суюқ азотли ўғит—аммиакат билан озиқлантирилаётир. Бу ўғит қуруқ азотли ўғитдан икки баравар кучли бўлиши билан бирга, ундан тўрт ҳисса арзондир. **Суратда:** озиқлантириш агрегатига аммиакат олинмоқда.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қаҳрамон бошлиқ бригадада

Сафар Холматов Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозида кўп йиллардан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. У ўзининг бу соҳадаги ҳалол меҳнатлари ва эришган муваффақиятлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлган.

Уста пахтакор бошчилигидаги бригада аъзолари бу йил 70 гектар пахта майдонидаги ғўзаларини квадрат-уялаб ва тор қаторлаб ўстираётирлар. Барча майдонлардаги ғўзалар шу кунгача уч марта комплекс парваришдан чиқарилди. Озиқлантириш ва суғориш ишлари ҳам белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказилмоқда.

Бригада аъзоларининг бу йил ўз зиммаларига олган мажбуриятлари жуда юксак. Улар гектаридан 45 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар.

— Пахта майдонимизнинг 26 гектарга яқини, — дейди Сафар Холматов,—кам ҳосилли ҳисобланар эди, бригадамиз аъзолари бу ерларни ҳам ҳосилдор ерга айлантириш учун ҳаракат қилдилар. Усишдан қолаётган ғўзаларга қўшимча озуқа берилди ва қўшимча равишда парвариш қилинди. Ҳозир ана шу 26 гектар ердаги ғўзаларимиз ҳам бўлиқ ғўзаларимизга тенглаштириб олинди.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқини олиш учун курашаётган бригаданинг Кенжаев, Маматкаримов ўртоқлар каби илғор суғичилари мўл ҳосил тўплаш ойида ғўзаларни сифатли суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шунингдек райондаги Охунбобоев номли, Тарас Шевченко номли колхозларнинг илғор бригадаларида ҳам юқори ҳосил етиштириш учун қизғин кураш бормоқда. Тарас Шевченко номли колхознинг Т. Маманов, Охунбобоев номли колхознинг Т. Ҳолиқов, Ильич номли колхознинг Б. Ҳамидов ўртоқлар бошлиқ бригадалари илғорлар сафида бораётир.

А. МУҲАМЕДОВ,
А. ОТАЖОНОВ,
З. ОРТИҚОВ,
К. НУРОНОВ.

Социалистик мусобақа натижалари

Пискент район пахтакорлари ва механизаторлари олтинчи беш йиллиқнинг биринчи йили—1956 йилда давлатга ўтган йилдагига нисбатан 2500 тонна ортиқ пахта топшириш учун ўз устларига социалистик мажбурият олганлар.

Олинган мажбуриятни бажариш учун курашда ўзаро социалистик мусобақа катта роль ўйнамоқда. Шу кунларда ўзаро текшириш бригадалари дала ишларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилишда катта ишлар қилмоқдалар.

Яқинда Сталин номли колхозда келган ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош Ленин номли колхоз далаларида бўлди. Беш кунликда озиқлантириш 118 гектар, суғориш 215 гектаргина ерда ўтказилган. Текшириш бригадаси ғўза парваришининг бу қадар сусайиб кетганлигига асосий сабаб колхозда меҳнат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги, ғўзани кечаси суғориш ташкил этилмаганлиги, мавжуд техника ва ишчи кучларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, деб кўрсатди.

Маленков номли колхоз билан Ворошилов номли колхоз, Каганович номли колхоз билан Охунбобоев номли колхоз ва бошқа колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳам самарали натижалар бермоқда.

Мусобақадошларнинг ана шундай дўстона ёрдамлари туфайли бир қатор колхозларда ғўзаларнинг ҳолати анча яхшилаб олинди. Ҳозир Карл Маркс номли, Шверник номли, Сталин номли колхозларда ғўза қийғос гулламоқда.

С.ВОҲИДОВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Боёвут совхозларида ғўза парваришини кучайтириш керак

Кенг кўча четидаги катта ариқда сув ҳайқириб оқиб турипти. Нариги томонда эса кўз илғамас кенг пахтазор кўзга ташланади. Эндигина бўйи тўрт эллик бўлиб ер бағирлаган ғўзалар шу ариқдан неча ҳафталаб сув ичмагани учун ташналикдан сарғая бошлаган. 30 гектарга яқин бу пахта майдонининг ҳозирги аянчли аҳволи яқин ўртада совхоз раҳбарларининг қадамлари бу ерга етмаганлигидан дарак бериб турибди. Бу ғўзалар шу вақтга қадар культивация қилинмаган, чопиқ ўтказилган эмас, суғориш ва озиқлантириш ишларига ҳам мутлақо эътибор берилмаган ғўзаларни ўт босиб кетган.

Совхознинг ўртоқ Х. Норчаев раҳбарлик қилаётган 9-бўлимидаги пахтакорлар бу ерлардан «юқори ҳосил олиш» ҳақида ваъда қилганлар, ўз зиммаларига социалистик мажбурият олганлар. Қани энди ўша ваъда ва мажбуриятларга яраша қилинаётган меҳнат?!

Бўлим бошлиғи ўртоқ Х. Норчаев ҳам, ҳосилот советининг раиси ўртоқ Н. Каттахўжаев ҳам пахта далаларида камдан-кам бўладилар, ҳақиқий аҳвол билан чуқур танишмайдилар. Улар фақат сводкаларга қарабгина ғўза парваришига раҳбарлик қиладилар. Шунинг учун ҳам улар қайси бригадада иш яхши кетаётганлигини, қайси бригадаларда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини билмайдилар. Ҳалиги 30 гектар ердаги ғўзаларнинг парваришсиз, аянчли ҳолга ташлаб қўйилиши худди мана шу бепарволикнинг оқибатидир.

9-бўлимда юз бераётган ана шундай нуқсонлар совхознинг 6 ва 1-бўлимларида ҳам давом этмоқда. Бу бўлимларда, айниқса суғориш ва озиқлантириш, шунингдек механизациядан фойдаланиш ишлари талабга жавоб бермайди, 6-бўлимнинг ўртоқ Н. Умиров бошлиқ бригадасида табақалаб суғоришга эътибор берилмаётир. Ёппасига суғорилган ердар эса ўз вақтида культивация қилинмаётганлиги учун эгатлар оқариб кетаяпти, ғўзалар ўт ичида қолаяпти. Бригада бошлиғи ўртоқ Умиров культивация қилинмаган ғўзаларни чопиқ қилишга рухсат берган. Чунки механизаторлар ёппасига етилган ерларни культивация қилиб улгура олмаганлар. Қатқалоқ босган ғўзалар сифатсиз чопиқ қилинган. Натижада ғўзаларнинг оқ томирларига шикаст етган.

Ўртоқ Урисбиев директорлик қилаётган 1-Боёвут совхозининг кўпчилик бригада ва бўлимларида ғўза парваришига ана шундай ўтажетган даражада масъулиятсизлик ва савуққонлик билан қаралмоқда. Совхоз раҳбарлари бундай нуқсонларнинг олдини олиш, талабчанлик ва контролликни кучайтириш ўрнига ҳайбаракаллачиликдан, мажлисбозлик ва буйруқбозликдан нарига ўтмаётирлар. Айниқса, шу кунларда совхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Хўжаев), касаба союз ташкилоти (раиси ўртоқ Оқтоев) раҳбарлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Ана қаранг ғўзаларнинг ҳолига,
Кулоқ солмас ҳеч ким унинг додига.
Қичқиради ҳар бир кўчат аламлик,
Авжга чиқди совхозда кўп беғамлик.

Ишлови йўқ, ғўза чанқоқ бечора,
Ким кўради бу аҳволга тез чора?!
Меҳнат қилинг яна қолманг армонда,
Соляпар, уйқучи бўлур шарманда.

В. Зиновьев чизган расм.

Ишчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юбориш, улар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариш каби шу кунларнинг энг муҳим вазифалари унутиб қўйилмоқда.

3-Боёвут совхозида ҳам ғўза парвариши соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳозирги куннинг талабига мутлақо жавоб бермайди.

Совхозда айниқса ғўзаларни икки томонлама парвариш қилишга эътибор берилмаётир. Ўртоқ М. Ҳажимов бошлиқ 1-бўлимда 490 гектар ердаги ғўза узунасига ҳамда кўндалангига культивация қилиниши лозим эди. Афсуски, бўлим ва бригада бошлиқларининг янги, прогрессив методни кенг қўлланишга бепарволик билан қараётганликлари сабабли 69 гектар ердаги ғўза икки томонлама парвариш қилинди, холос. Бу бўлимда ҳали ғўзаларга биринчи сув бериш ҳам тамомлангани йўқ. Ўртоқ О. Олпомишев бригадасида ва бошқа бригадаларда 55 гектар ердаги ғўза сув талаб ўлиб сўлийбошлаган ва 10-15 кунлаб ўсишдан қолган. Бўлимнинг ўртоқ Жўраев бошлиқ бригадасида эса, 15 гектар ердаги ғўза бегона ўт ичида сарғайиб ётибди.

Бўлим бригадаларида меҳнат нотўғри ташкил этилган. Ишчи ва механизаторларга топширилган иш текшириб кўрилмасдан қабул қилинади, шунинг учун ҳам ғўза парвариши ҳаддан ташқари сифатсиз ўтказилмоқда. Яқинда Ўртоқ Х. Муротов бригадасида 8 гектар ердаги ғўза сифатсиз чопиқ қилинди, орадан кўп ўтмай бу ерларни қайта чопишга, ишчиларга иккинчи марта ҳақ тўлашга тўғри келди.

Совхозда ҳозир 480 гектар ерга ўргимчаккана тушган. 200 гектар ердаги ғўза вилт касалига учраган. Лекин совхоз раҳбарлари ана шу ҳашорат ва касалликларга қарши кескин кураш олиб бормаётирлар.

Июль ойи мўл ҳосил тўплаш ойидир. Совхозларнинг пахтакорлари ана шунга яраша ишлашлари, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг шу ҳақдаги қарорига тўла амал қилиб, ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтиришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ғўза парваришини кучайтирмоқдалар

МОЛОТОВО. (ЎзТАГ). Ўртасарой районидаги колхозларнинг аъзолари ва МТС ишчилари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб қайтармоқдалар.

«Коммунизм» колхозининг пахтакорлари июль ойида қўшимча равишда икки марта қатор ораларини ишлаш ва икки марта суғориш, ғўзаларни 1-2 марта органик-минерал ўғитлар билан озиқлантиришга қарор қилдилар. Шона ва гулларнинг тўкилиб кетмаслиги учун ғўзаларни ўз вақтида парвариш қилиш, ернинг қуриб қолишига йўл қўймаслик, мақсадида барча от культиваторлари далага чиқарилди.

Ўртасарой районидаги 1-МТСнинг Миразиз Рўзматов бошлиқ трактор бригадаси шу колхозга хизмат кўрсатаётир. Свердлов номли, «Полярная звезда», Будённий номли колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик артеларининг аъзолари ҳам ғўза парвариши юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

Бекобод шаҳарида водопровод магистрали қурилиш иши қизғин олиб борилмоқда. **Суратда:** Карьер кўчасида траншея қазиш.

А. Ким фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Корхона фонди

Ойлик, квартал, йиллик планларини бир меёрда бажараётган корхоналарнинг ишини янада яхшилаш учун кўпгина қулайликлар яратиб берилади. Бу қулайликлардан бири рентабель ишлаш орқасида олинган фойданинг маълум қисмини корхона фондига беришдир.

Янгийўлдаги тикув-пойафзал комбинатининг коллективи кўп вақтдан бери бир меёрда ишлаши ва давлат планларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажариши натижасида катта фойда олмоқда. Шу йилнинг ўзида рентабель ишлаш орқасида келган фойдадан 124 минг сўм корхона фондига қўшилди. Комбинат маъмуриятн бу қўшимча фонд ҳисобидан ишчиларга дам олиш учун 20 та путевка, библиотека учун китоблар ва клуб учун 7 минг сўмлик инвентарь сотиб олди. Бу маблағнинг анча қисми маиший ва қурилиш ишлари, ишчиларнинг уй-жойларини ремонт қилиб бериш учун ҳам ажратилди. Бундай қўшимча олинадиган маблағлар физкультура ва спортни ривожлантириш, болалар ярталиги ўтказиш, айрим ишчиларга ёрдам бериш каби ишларга ҳам сарфланаётир.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Олимлар билан учрашув

Яқинда Тошкент шаҳридаги Киров номли маданият ва истироҳат паркида меҳнаткашларнинг Ўзбекистон олимлари билан учрашуви бўлди. Бунда геология фанлари кандидати Н. Петров «Ўзбекистон ССР нинг табиий бойликлари олтинчи беш йиллик хизматида» деган темада лекция ўқиди. Ўртоқ Петров Ўзбекистон территориясидаги турли-туман табиий бойликлар ҳақида қизиқарли нарсаларни гапириб берди.

Археолог О. Обельченко ўз сўзида, Ўзбекистонда олиб борилаётган археологик текшириш ишлари ва уларнинг натижалари ҳақида диққатга сазовор маълумотларни айтди.

Учрашув меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди.

О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Картошка ва сабзавот экинлари ҳосилини ошириш—марказий вазифа

Б. МИРЗАБЕКОВ,
Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Партиямиз XX съездида картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳали ҳам талаба тўла жавоб бермаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди ва картошка ҳамда сабзавот етиштирувчи колхозлар, МТСлар олдига бу экинлар ҳосилини яқин икки йил ичида кескин ошириш вазифаси қўйилди. Партиямиз съезди қарорларидан илҳомланган колхозларнинг аъзолари картошка ва сабзавот етиштиришда механизациядан кенг фойдаланиб, бу соҳада агротехника қоидаларини тўла қўлланиб, дастлабки яхши натижаларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари областимиз колхозларини янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирди. Сабзавотчилиқ колхозлари ўтган йилдагига нисбатан бу йил экиш ишларини бирмунча барвақт ва агротехника талабларига мувофиқ юқори сифатли ўтказишга эришдилар. Шу билан бирга сабзавотчилиқ колхозларига давлат томонидан катта ёрдам берилди. Минерал ўғит ва қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш учун бу колхозлар давлатдан кредит олдилар. Областда 16 та теплица комбинати ишга туширилдики, бу билан аҳолини йил бўйи сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш имконияти туғилди. Колхозлар ҳам ўзларини материал-техника жиҳатидан анча мустаҳкамлаб олдилар. Шу, 1956 йилда парник рамлари 7 минг донага кўпайтирилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка ва сабзавот етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарори сабзавотчилиқ колхозларини экономика жиҳатдан янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим тадбирдир. Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори туфайли Тошкент шаҳар атрофидаги сабзавотчилиқ билан шуғулланувчи 4 та район колхозлари ўтган йилдагига нисбатан бу йил 20 миллион кўп даромад оладилар.

Шу нарса қувонарлики, ўтган йили камқувват ҳисобланган колхозлар, бу йил ўзларининг хўжаликларини анча мустаҳкамлаб олмоқдалар. Калинин районидаги Каганович номли, Охунбобоев номли, Тошкент районидаги «Большевик», Куйбишев номли, Қорасув районидаги М. Горький номли колхозларнинг аъзолари экин ҳосилини бирмунча ошириб, дастлабки ойлардаёқ катта даромад эгаси бўлмоқдалар.

Тошкент атрофидаги колхозларда эртанги картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил олинаётганлиги сабабли шаҳар меҳнаткашларини бу экинлар маҳсулоти билан ўтган йилдагиларга нисбатан кўпроқ таъминлаш имконияти туғилмоқда. Бу қувонарли бир ҳолдир.

Лекин, биз эришилган муваффақиятлар билан мағрурланиб кетишга одатланган эмасмиз. Шунга қарамай, айрим район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари, колхозларнинг раислари шу дастлабки ютуқлардан мағрурланиб, картошка ва сабзавот экинлари парваришини сўнгги кунларда анча сусайтириб қўймоқдалар ва шаҳар аҳолисини бу экинлар маҳсулоти билан таъминлашга етарли даражада аҳамият бермаётирлар. Агар шу июль ойида экинлар парвариши тўбдан яхшиланмаса, дастлабки эришилган муваффақиятларимиз унча яхши натижа бермай қолиши мумкин. Қиш учун етарли миқдорда картошка ва сабзавот маҳсулотлари жамғариш тўғрисида шу кунларда ўйлаш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўриш ва астойдил ишлаш керак.

РСФСР колхозларидан областимиз колхозларига юқори сифатли картошка уруғлиги келтирилган бўлса ҳам, бу экинни экиш ҳалигача ҳам тугалланмаган. Экилган картошкаларнинг қай аҳволда эканлигидан хабар олинмаётганлиги сабабли уларнинг кўкариб чиқиши кечикиб кетмоқда. Тошкент, Оҳангарон, Пискент районларининг кўпгина колхозлари шу вақтгача кечки картошка экиш планларини бажарганлари йўқ. Оҳангарон районида сабзавот экинларини парвариш қилиш айниқса ёмон аҳволда. Район раҳбарлари, МТСларнинг директорлари картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш ишига қониқарсиз ва юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Бу районда барча техника ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириб олмоқдалар.

Шу нарса қувонарлики, ўтган йили камқувват ҳисобланган колхозлар, бу йил ўзларининг хўжаликларини анча мустаҳкамлаб олмоқдалар. Калинин районидаги Каганович номли, Охунбобоев номли, Тошкент районидаги «Большевик», Куйбишев номли, Қорасув районидаги М. Горький номли колхозларнинг аъзолари экин ҳосилини бирмунча ошириб, дастлабки ойлардаёқ катта даромад эгаси бўлмоқдалар.

Тошкент атрофидаги колхозларда эртанги картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил олинаётганлиги сабабли шаҳар меҳнаткашларини бу экинлар маҳсулоти билан ўтган йилдагиларга нисбатан кўпроқ таъминлаш имконияти туғилмоқда. Бу қувонарли бир ҳолдир.

Лекин, биз эришилган муваффақиятлар билан мағрурланиб кетишга одатланган эмасмиз. Шунга қарамай, айрим район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари, колхозларнинг раислари шу дастлабки ютуқлардан мағрурланиб, картошка ва сабзавот экинлари парваришини сўнгги кунларда анча сусайтириб қўймоқдалар ва шаҳар аҳолисини бу экинлар маҳсулоти билан таъминлашга етарли даражада аҳамият бермаётирлар. Агар шу июль ойида экинлар парвариши тўбдан яхшиланмаса, дастлабки эришилган муваффақиятларимиз унча яхши натижа бермай қолиши мумкин. Қиш учун етарли миқдорда картошка ва сабзавот маҳсулотлари жамғариш тўғрисида шу кунларда ўйлаш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўриш ва астойдил ишлаш керак.

РСФСР колхозларидан областимиз колхозларига юқори сифатли картошка уруғлиги келтирилган бўлса ҳам, бу экинни экиш ҳалигача ҳам тугалланмаган. Экилган картошкаларнинг қай аҳволда эканлигидан хабар олинмаётганлиги сабабли уларнинг кўкариб чиқиши кечикиб кетмоқда. Тошкент, Оҳангарон, Пискент районларининг кўпгина колхозлари шу вақтгача кечки картошка экиш планларини бажарганлари йўқ. Оҳангарон районида сабзавот экинларини парвариш қилиш айниқса ёмон аҳволда. Район раҳбарлари, МТСларнинг директорлари картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш ишига қониқарсиз ва юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Бу районда барча техника ва ички имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Сабзавот экинлари шу вақтга қадар бир марта ҳам парвариш қилинмаган. Пискент районидаги Сталин номли, Оҳангарон районидаги Ленин номли, Серго номли колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари сабзавот экинларини парвариш қилиш ишига колхозчилар оммасини тўла сафарбар этмаганлар.

Областимиз колхозларида ҳозиргача 3500 гектар ерга кечки картошка экиб бўлинмаганлиги ачинарли бир ҳолдир. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг директорлари кечки экинларнинг узоги билан 15-20 июлгача экиб олинишини таъминлашдари, бу ишни муваффақиятли ўтказиш учун барча куч ва техникани тўла сафарбар этишлари зарур.

Июль, август ойларини картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш ойлиги деб эълон қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу муддат ичида пахтакорлар сингари сабзавотчилик билан шуғулланувчи колхозларнинг аъзолари ҳам экинларни камида икки марта парвариш қилишлари, икки марта озиқлантиришлари ва учўтрт марта қондириб суғоришлари керак.

Қорасув, Тошкент ва Калинин районларининг илғор колхозлари июль ва август ойларида экинларни юқори сифатли парвариш қилиш йўли билан картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган планларни ошириб бажаришга ҳаракат қилажакларини айтмоқдалар. Бу колхозларнинг аъзолари мўл ҳосил етиштиришда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ғоят катта роль ўйнашини таъкидламоқдалар. Улар ҳар бир гектар экин майдонига камида 3,5 тоннадан маҳаллий ўғит солиш, бунинг учун барча транспорт воситаларини далачилик бригадаларига бириктириб қўйишга қарор қилдилар.

Картошка ва сабзавот ҳосили етиштириш юзасидан кўпгина бригадалар ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Қорасув районидаги Максим Горький номли колхознинг ўртоқ Азизов бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 40 тоннадан карам ҳосили йиғиштириб олди.

Ҳар бир колхозда картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш учун механизация яхши ва унумли ишлашга эришилмаётир. Тошкент районидаги 1- МТС (директори ўртоқ Тўрахонов) колхозлар билан тузилган шартномадаги вазифани қониқарсиз бажармоқда. Шу райондаги Хрушчев номли колхозда 6 та универсалдан фақат 2 таси ишламоқда. Шунинг учун культивация графиги доим бузилиб туради. Қорасув районидаги «XIX партсъезд» колхозида универсалларнинг кўп вақт бекор туриб қолаётганлигини кўрамиз. Натижада кўпгина майдонлардаги картошка ва сабзавот экинларининг парваришн ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Район раҳбарлари бу камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини кўришлари керак.

Етиштирилган картошка ва сабзавот маҳсулотларини сақлашда қулай жойларнинг бўлиши ҳар жиҳатдан муҳимдир. Сабзавотчилиқ колхозлари олдидаги яна бир муҳим вазифалардан бири шуки, улар ҳозирдан бошлаб қиш ва кўклам учун картошка ҳамда сабзавот маҳсулотлари сақлаш, тузлаш тадбирларини кўришлари керак. Шаҳар атрофидаги тўртта сабзавотчилиқ районларида 40 минг тонна картошка ва сабзавот сиғадиган жойлар тайёрлаш зарур. Афсуски, бу жойларни тайёрлаш жуда ҳам суст олиб борилаётир. Область ижроия комитети қошидаги колхоз қурилиши ишлари бошқармаси (ўртоқ Бағиров), Қорасув, Тошкент районларининг раҳбарлари картошка ва сабзавот маҳсулотлари сақлайдиган бинолар қурилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Область матлубот жамияти (раиси ўртоқ Аминов) бу соҳала колхозларга яқиндан ёрдам бермаётир. Натижада кўпгина колхозлар шу вақттача зарур қурилиш материалларини ололганлари йўқ.

Картошка ва сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган ва тузлайдиган бинолар ҳамда чуқурларни тайёрлаш учун барча тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу соҳада шаҳардаги ташкилотлар ўз оталиқларидаги колхозларга яқиндан ёрдам бериш лари керак.

Савдо министрлиги ва шаҳардаги савдо ташкилотлари картошка ва сабзавот сақлайдиган бинолар қурилиши иши билан яқиндан шуғулланишлари, бу соҳадаги вазифани муваффақиятли бажариш учун курашишлари, зарур.

Сабзавотчилиқ колхозлари «Ўзбекбирлашув», консерва трести ва кўпгина савдо ташкилотларини ҳақли суратда танқид қилмоқдалар. Чунки бу ташкилотлар картошка ва сабзавот маҳсулотлари кўплаб етиштирилаётганига қарамай, уларни қабул қилиб олиш ва меҳнаткашларга ўз вақтида етказиб бериш иши билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. Натижада шаҳарга юборилаётган картошка ва сабзавот маҳсулотлари кўплаб тўпланиб қолмоқда ва уларнинг бир қисми нобуд бўлаётир.

Консерва трести раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Халимова) колхозлардан маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш ўрнига бу ишнинг тўхтаб қолишига йўл қўяётирлар. Натижада июнь ойида бирор завод ҳам ўз планини бажара олмаган. Шунинг учун сабзавотчилиқ колхозлари ўз маҳсулотларини консерва заводига юбориш ўрнига ҳар хил тайёрлов ташкилотларига бермоқдалар.

Колхозлар ўзларининг савдо дўконлари аҳволидан хабардор бўлишлари ва бу ерда гигиена қоидаларига тўла амал қилиниши учун курашишлари керак. Кўпгина колхозларнинг сабзавотчилиқ дўконлари жуда кеч очилади. Шаҳар меҳнаткашлари эрталаблари бу дўконлардан бирон нарса сотиб ололмайдилар. Чунки маҳсулот кечикиб келтирилади. Натижада картошка ва сабзавот дўконларда уйилиб қолиб, уларнинг бир қисми чириб кетади ёки ҳар хил йўллар билан нобуд қилинади.

КПСС Марказий Комитети XX съезди қарорларида кўрсатилган улуғвор вазифаларни бажариш учун астойдил курашаётган сабзавотчилиқ колхозларининг аъзолари картошка ва сабзавот экинлари ҳосилини кескин ошириш ва бу маҳсулотларни шаҳар меҳнаткашларига ўз вақтида етказиб бериш учун курашмоқлари керак. Бу соҳада савдо ва тайёрлов органларининг ходимлари ҳам астойдил ишлашлари зарур.

СССР БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб бориш ва шу тўғридаги Битимни имзолаш учун Хитой Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келган эди.

Шу йил 4 ва 5 июлда музокаралар олиб борилди. Самимий дўстлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар натижасида 1956 йил 5 июлда Москва шаҳрида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Битим фан, техника, маориф, адабиёт ва санъат, соғлиқни сақлаш, матбуот ва нашриёт ишлари, радио-эшиттириш ва телевидение, кинематография, физкультура ва спорт соҳаларида ҳамда маданиятнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни бундан буён ҳар томонлама ривожлантириш, ҳар иккала мамлакатнинг илмий-текшириш муассасалари, олий ўқув юртлари, музейлари, кутубхоналари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва профессорларни, маданият ва санъат арбобларини, бадиий коллективларни, виставкаларни бир-бирларига юбориб туришни, шунингдек маданий қурилиш соҳасидаги иш тажрибаларини кенг миқёсда ўртоқлашиб туришни кўзда тутади.

Битимни Совет томонидан СССР Ҳукуматининг ваколати билан Маданият министири Н. А. Михайлов имзолади.

Битимни Хитой томонидан ХХР Ҳукуматининг ваколати билан Давлат Кенгаши Иккинчи канцеляриясе Бошлиғининг ўринбосари ва Маданият министрининг ўринбосари Цянь Цзюнь-жуй имзолади.

УЛАН-БАТОРДА СОВЕТ АРМИЯСИ ЖАНГЧИЛАРИ ХОТИРАСИГА ҚУРИЛГАН МОНУМЕНТ ОЧИЛДИ

УЛАН-БАТОР, 5 июль (ТАСС). Бугун Улан-Баторда қаҳрамон Совет Армиясининг мўғул халқининг мустақиллиги учун олиб борилган курашда ҳалоқ бўлган жангчилари хотирасига қурилган ҳайкал тантанали суратда очилди. Шу муносабат билан бўлган маросимда Мўғулистон халқ—революцион партиясининг раҳбарлари, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари, жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар. СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги элчиси В. И. Писарев ва бошқа дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар. Монументни очиш маросимида нутқ сўзлаган Буюк Халқ хурали Президиуми раиси Ж. Самбу айтдики, совет ва мўғул халқларининг дўстлиги Совет Иттифоқининг ва Мўғулистоннинг душманларига қарши олиб борилган курашида мустаҳкамланди. Мўғул халқи бу жангларда ҳалоқ бўлган совет жангчиларини ҳеч қачон унутмайди.

Митингда МХР халқ қўшинлари ва хавфсизлик министри генерал-лейтенант Доржи ва меҳнаткашларнинг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар.

СССР ва МХР давлат гимнлари садолари остида Самбу лентани қирқди. Монументни қоплаб турган парда тушади ва йиғилганлар олдида тепасига беш қиррали қизил юлдуз ўрнатилган баланд обелиск намоён бўлади. Унинг қуйидаги қисмига мўғул тилида: «Совет Армиясининг мўғул халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашда ҳалоқ бўлган қаҳрамонларига» деб ёзилган.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВЕНАДА ОЧИЛАДИГАН КУЗГИ ЯРМАРКАДА ҚАТНАШАДИ

ВЕНА, 5 июль. (ТАСС). Венадаги бир қанча газеталар Венада бу йил куз фаслида очиладиган ярмаркада Хитой Халқ Республикасининг биринчи марта қатнашажаги тўғрисида мамнуният билан ёзмоқдалар. Ҳозирги вақтда Вена ярмаркаси территориясида ХХР павильонини жиҳозлаш ишлари тамомланмоқда. Бу павильон 1.350 квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, традицион миллий услубда қурилди.

„Ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат“

СОФИЯ, 5 июль, (ТАСС). «Вечерни новини» газетаси «Ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат» деган сарлавҳа остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида» чиқарган ва Болгария газеталарида эълон қилинган қарорини шарҳлаб ёзади.

Мақолада, барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларгина эмас, балки бутун халқаро жамоатчилик ҳам бу қарорни маъқуллаб қутиб олди, дейилади.

Газета бундай деб ёзади: КПСС ХХ съезднинг қарорларини амалга ошириш ҳозирги вақтда фақат Совет Иттифоқидагина диққат марказига қўйилган эмас. Бу қарорларнинг зўр таъсири бутун дунёда сезилмоқда. Бу ҳол ишчилар синфининг ва прогресснинг душманларини ташвишлантирмоқда ва ғазаблантирмоқда. Шу сабабдан, буржуо матбуоти КПСС ХХ съезди қараб чиққан ва ҳал этган асосий масалалардан эътиборни четга тортиш учун советларга қарши разил туҳматчилик кампаниясини бошлаб юборди ва бу йўлда зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Шахсга сиғиниш танқид қилиниши муносабати билан реакцион пропаганда тарихий воқиликни сохталаштирмоқда.

Мақолада яна қуйидагилар айтилади: КПСС Марказий Комитетининг қарорида ана шу пропагандага қарши зарба берилади ва Совет Иттифоқи тараққиётидаги ички ва халқаро характерда бўлган ҳамда И. В. Сталин шахсига сиғинишнинг пайдо бўлишига ёрдам берган тарихий шарт-шароитлар бирдан-бир ҳаққоний марксча-ленинча изоҳлаб берилди.

Буржуа идеологлари шахсга сиғиниш ўтмишдаги муайян тарихий шарт-шароитлар орқасида эмас, балки совет системасининг моҳиятидан келиб чиққан бир нарса, деб даъво қилишга беҳуда уринмоқдалар. КПССнинг ана шу салбий ҳодисани, яъни шахсга сиғинишни дадиллик билан очиб ташлаганлиги, Совет давлати мавж уриб юксалаётганлиги ва ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида шахсга сиғинишнинг барча зарарли оқибатлари изчиллик билан тугатилаётганлиги ана шундай туҳмат гапларни тамомила рад этади.

Ҳозирги вақтда КПССнинг ва Совет давлатининг бутун эътибори съезд қарорларини бундан буён ҳам амалга оширишга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг тарихнинг ижодчиси бўлган халқ тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг энг муҳим қоидаларига доимо риоя қилиш, партия ҳаёти ва партия раҳбарлигининг ленинча принципларини жорий қилишни сабот билан давом эттириш тўғрисидаги чақириғи, совет социалистик демократизм принципларини тамомила тиклаш, олтинчи беш йиллик вазифаларини амалга ошириш ҳақидаги чақириғи Совет Ватанининг бахт-саодати йўлида ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида совет халқларининг кучларини янада кўпроқ сафарбар қилади.

КПСС Марказий Комитети қарорининг ғоявий ва назарий жиҳатдан ғоят бой бўлган мазмуни коммунистик ва ишчи партияларнинг, бутун дунё ишчилар синфининг ғоявий бирлиги ва интернационал қардошлиги ҳамда бирдамлигига риоя қилишга ва ана шу бирлик, қардошлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ЮДЖИН ДЕННИС БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 4 июль. (ТАСС). Бугун «Дейли уоркер» газетаси КПСС Марказий Комитетининг шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисидаги қарори ҳақида Ю. Деннисниг қуйидаги баёнотини босиб чиқарди: «Совет Коммунистик партиясининг қарори дунёдаги марксистлар ўртасида дўстона фикр олишувда энг қувончли ҳодисадир. Бу қарор партия ХХ съезди ва съезд томонидан чиқарилган ҳамда социализмнинг янгидан-янги муваффақиятлари учун йўл очиб берадиган тарихий қарорлари, шунингдек съезднинг уруш муқаррар бир нарса эмас ва демократик мамлакатларда социализмга тинч йўллар билан ўтиш мумкин, деб чиқарган муҳим хулосалари ғоят катта аҳамиятга эга эканлигига эътиборни жуда тўғри жалб этади.

Сталинга ортиқча баҳо бериб тўқилган ҳар қандай уйдирмаларни рўкач қилиб, ХХ съезднинг жуда катта муваффақиятларини йўққа чиқаришни истаган реакцион доираларнинг ёвуз ниятларига қарорда тўғри баҳо берилган. Бу баҳо бизнинг АҚШдаги ва бошқа мамлакатлардаги реакцион доиралар ишчилар синфининг халқаро ҳаракатидаги бирдамликка путур етказиш учун Хрушчевнинг Сталин тўғрисидаги махсус докладини бузиб тасвирлашга ва ундан фойдаланишга уринмоқдалар, деган фикримизга тўғри келади. Ана шу «совуқ муносабатлар уруши» кучлари тинч-тотув яшашнинг миллий сиёсат бўлиб қолишидан манфаатдор эмасдирлар; улар дунёдаги кескинликни ва ўз-ўзини ҳалоқ қилишга олиб борадиган зўр бериб қуролланишнь давом этдиришга уринмоқдалар. Улар ишчиларнинг умумий тинчликка бўлган интилишига путур етказиш учун беҳуда уринмоқдалар. Ишчиларнинг умумий тинчликка бўлган интилиши Бандунгда ва Женевада ўз ифодасини топган эди ва бу интилиш ҳозир юксалиб бормоқда.

Менинг фикримча, КПСС Марказий Комитетининг қарори катта аҳамиятга эгадир, чунки бу қарор шахсга сиғиниш сифатида ва Сталин раҳбарлигининг сўнгги даврида социалистик қонунчиликнинг ҳамда социалистик принципларнинг кечириб бўлмайдиган даражада бузилганлиги сифатида маълум бўлиб қолган нарсаларни албатта, оқламаса ҳам, буни тушунтириб беради. Миллий комитетимиз яқин орада бу масаланинг моҳиятини муҳокама қилади, шундан кейин ўз фикрини коллектив суратда баён қилади».

ЦЕЙЛОН БОШ МИНИСТРИНИНГ ГОА МАСАЛАСИ ҲАҚИДА ҚИЛГАН БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 5 июль (ТАСС). Рейтер агентлигининг ҳабар беришича, Цейлон бош министри Бандаранаике Лондондаги Гоа иттифоқи (Гоани Ҳиндистонга қўшишни ёқловчи ташкилот) вакиллари делегациясини қабул қилган. Иттифоқ раиси доктор Г. Деннис бошчилигидаги бу делегация Бандаранаикега мурожаат қилиб Португалиянинг Гоадан кетиши тўғрисида иттифоқнинг талабини қўллаб-қувватлашни ундан сўраган. Бандаранаике делегация аъзоларига бундай деган: «Мен қарам мамлакатларнинг ўз-ўзини бошқариш ва эркинлик олиш йўлидаги интилишларини доимо қўллаб-қувватлаб келаётганлигим сабабли, табиий, гоаликларнинг ҳам бу йўлдаги интилишини қўллаб-қувватлайман ва уларнинг орзуларини қондирадиган тинч методларни қидириб топиш мумкин бўлади деб умид қиламан».

Бу учрашувдан кейин Деннис мухбирларга баёнот бериб, «Ҳиндистон билан қўшилишга интилишда гумон қилинаётган гоаликларга қарши қаттиқ чоралар кўрилаётганлигини» Бандаранаикега билдирганлигини айтган. Деннис Гоа аҳолиси террор ҳукм сураётган бир вазиятда яшаб турганлигини уқтириб ўтган.

Американинг «ёрдам» тўғрисидаги таклифига Польша Қизил Крестининг жавоби

ВАРШАВА, 5 июль (ТАСС). Газеталарда ахборот эълон қилинди. Бу ахборотда бундай дейилади: Шу йил 30 июнда АҚШ давлат департаменти Польшага июна тарақасида бир мунча миқдорда дон, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари беришни Америка Қизил Крестига топширган эди. Шу билан бирга давлат департаменти, бу ёрдамни тақсимлаган вақтда унинг Америкадан олинганлигини уқтириб ўтиш лозим, деб талаб қилган эди.

Шу йил 4 июлда Польша Қизил Крести Женевадаги Қизил Крест жамиятлари иттифоқи орқали бу таклифни рад этиб жавоб қайтарди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, дейилади бугун эълон қилинган ахборотда, АҚШ ҳукумати Европадаги қишки совуқлар муносабати билан шу йил февраль ойида ҳам ана шу хил таклифни қилган эди. Польша ҳукумати ўз жавобида Қўшма Штатлардан кўп миқдорда ғалла сотиб олишга тайёр эканлигини билдирган эди. Маълумки Польшада очарчилик йўқ. Шу билан бирга, Польша чет элларидан доимо дон сотиб олиб келмоқда. Бироқ Қўшма Штатлар ҳукумати бунга жавоб қайтармади.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Польшага чинакам ёрдам бериш тўғрисида жонкуярлик қилаётгани йўқ. Аксинча, унинг таклифи нуқул пропаганда характерида бўлиб, АҚШлари ҳукмрон доираларнинг халқ Польшасига қарши қўлланиб келаётган душманчилик актлари билан яқин боғлангандир.

Польша хайр-садақага мухтож эмас. Шу билан бирга Польша Америка Қўшма Штатлари билан кенг савдо алоқаларини ривожлантиришга ва АҚШдан тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида ўзи учун зарур миқдорда дон сотиб олишга тайёрдир. Қўшма Штатларнинг савдо-сотиқ соҳасида юргизиб келаётган дискриминацион сиёсати бундай савдо алоқаларига тўсқинлик қилмоқда. Поляк ва америка халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўли бизга хайр-садақа таклиф этишдан иборат эмас, балки Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг бизнинг ички ишларимизга аралашишдан воз кечиш ва душманлик актларини тўхтатиш зарурлигини тушуниб олишидан иборатдир.

Осиё мамлакатлари энергетикларининг делегацияси Москвага келди

БМТ Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг энергетиклари делегацияси Москвага келди.

Делегация составида Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Индонезия ва Япония вакиллари бор. Делегация аъзолари Совет Иттифоқида электростанциялар қуриш ва уларни ишлатиш тажрибаси билан ҳамда энергетика ускуналари тайёрловчи заводларнинг иши билан танишадилар. Чет эл меҳмонлари Москвада, сўнгра Ленинградда, Тошкентда, Бокуда ва Тбилисида бўладилар. (ТАСС).

СССР парламент делегацияси Сурияга таклиф этилди

БАЙРУТ, 5 июль. (ТАСС). Сурия парламенти раисининг ўринбосари Рафиқ Башшур кеча матбуот вакилларига бундай деди: Сурия парламенти шу йил сентябрь ойида Сурияга парламент делегацияси юбориш тўғрисида СССР Олий Совети номига таклифнома юборди.

Бу таклифнома СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Сурия парламент делегациясининг 1955 йил июль ойида Совет Иттифоқига қилган визитига жавобдир.

Суратда: Тошкентдаги Шота Руставели кўчаси.

В. Салов фотоси.

Ёш болали оналар тўғрисида ғамхўрлик

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ёш болали оналар тўғрисида яхши ғамхўрлик қилмоқда. Колхозда 9 ҳонали кўркам ясли биноси қурилиб ишга туширилди. Бу ерда болаларни эмизадиган, ухлатадиган, овқатлантирадиган, чўмилтирадиган махсус ҳоналар бор.

Ясли атрофига ўтқазилган дарахтлар, 0,15 гектар ердаги узумзор яшнаб ётибди. Болалар озиқ-овқат, сабзавот ва ҳўл мевалар билан етарли равишда таъминлаб турилади. Ясли тарбиячиси Хатира Тожибоева ва мудира Зина Зунурова ўртоқлар кичкинтойларни ўз фарзандларидек ардоқлаб ўстирмоқдалар.

Колхозда ёш болали оналар учун тўғдирилган қулай шароит уларнинг пахта далаларида унумли меҳнат қилишларини таъминламоқда.

Т. ВАСИЛОВ.

„Вревский“ пионерлар лагерида

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига қарашли «Вревский» пионерлар лагери бу йил ёзги дам олиш мавсумини пухта тайёргарлик билан кутиб олди. Пионер ва ўқувчиларнинг яхши дам олишлари учун бу ерда ҳамма шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ палаткалар, кутубхона, ошхона, спорт майдончалари, гимнастика шаҳарчаси, хуллас ҳамма кўнгил очиш ва дам олиш воситалари қувноқ болалар хизматида.

Бу ерда ҳар смена охирида тўгаракларнинг кўрик ва виставкалари, физкультурачиларнинг спартакиадаси ўтказилиб, лагерь чемпионларига мукофотлар берилади.

Хушманзарали дарахтлар ва гулзорга бурканган бу лагерда ёзги каникул даврида 3 эменада 900 га яқин бола дам олади. Ҳозир биринчи сменага келганлар физкультура ва спорт, моҳир қўллар, ёш туристлар ва натуралистлар каби тўгаракларга актив иштирок этиб, мазмунли дам олмоқдалар. Лагерь мathмурияти ва тарбиячилар биринчи сменала дам олаётганларнинг янги ўқув йилига янги кучқуввват тўплашлари ва канцкулни вақтичоғлик билан ўтказишлари учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

М. СОДИҚОВ.

Янги автобус маршрути

Ўзбекистон ССР Автомобил транспорти ва тош йўллар министрлиги меҳнаткашларга маданий хизматни янада яхшилаш мақсадида Тошкент тўқимачилик комбинати билан «Ўзгариш» совхози ўртасида янги автобус маршрутини ташкил этди.

Янги маршрут бўйича 5 пассажир машинаси қатнамоқда. Бу маршрутнинг ишга туширилиши натижасида Қорасув районидаги Свердлов қишлоғи, «Ўзгариш» совхози, Свердлов номли колхознинг даласчилик ва чорвачилик фермаларидаги аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси

8 июлда Тошкентдаги «Динамо» стадионида Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг IX спартакиадаси бошланади.

Республика мусобақалари олдидан мактаблар, районлар, шаҳар ва область спартакиадалари бўлиб ўтди. Бу спартакиадаларда 250 мингга яқин ўқувчи иштирок қилди.

Спартакиада программасига енгил атлетика, спорт гимнастикаси, сузиш, волейбол, баскетбол, отиш ва велосипед спорти бўйича мусобақалар киритилган. (ЎзТАГ).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ тўққизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар Советининг барча депутатларига маълум қиладики, шу йил 10 июль сешанба куни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ тўққизинчи сессияси бўлади.

Сессия кеч соат 8 да Горький номидаги шаҳар болалар паркининг ёзги кино театр биносида очилади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

МЕДИЦИНА ТАРИХИДАН

Буюк кашфиёт

Бундан 75 йил муқаддам машҳур француз олими Луи Пастер Парижда Франция Фанлар академиясининг умумий мажлисида доклад қилади. У қутуриш касаллиги устида олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари натижасида қутурган ҳайвон тишлаган одамни эмлаш усули билан ўлимдан сақлаб қолиш воситасини кашф этганини гапириб, академия аъзоларини ҳайратда қолдиради. Ҳақиқатан ҳам қутурган ҳайвон тишлаган, яъни ўлимга маҳкум қилинган киши ҳаётини сақлаб қолиш чорасини топишдек кашфиёт одамлар диққатини жалб қилмаслиги мумкин эмас эди.

Одам ва ҳайвонларнинг қутуриш касаллиги қадим вақтлардан бери маълум бўлса-да, лекин унинг олдини олиш мумкин бўлмаган. Бу юқумли касалликка йўлиққан кишиларнинг ҳаммаси ўлар эди. Медицина тарихида Пастер кашфиётигача қутурган одамнинг ўлмай қолгани маълум эмас. Дастлабки вақтларда Пастер кашфиётига баъзи олимлар шубҳа билан қарадилар. Машҳур олим ишончли тажрибаларини намойиш қилгач, ана шу қийин муаммонинг ҳал этилганига олимлар шубҳа қилмай қўйдилар.

Пастер химия ва микробиология соҳасида ҳам катта илмий ишлари билан донг таратган олимдир. Лекин унинг ҳамма кашфиётлари ичида қутуришга қарши эмлаш соҳасидаги иши инсон ҳаётини асраб қолиши жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Пастер, аввало, қутурган ҳайвоннинг бош миясида қутуриш касаллигини қўзғатувчи микроб — вирус бўлишини аниқлайди. Қутурган ҳайвоннинг мияси асосий материал бўлади. У, қуёнга қутуриш касаллигини юқтириб, сўнгра қуённинг миясини олиб ишқор солинган махсус идишда қуритади. Қуритиш процессида мия моддасида жойлашган қутуриш вируси кучсизланади. Ана шу қуритилган қуён миясини соғлом қуёнга укол қилиб, сўнгра унга қутуриш касаллиги юқтирилганда, у қутуриш билан касалланмаган. Бу тажриба кучсизлантирилган вирус қутуриш касаллигига сабаб бўлмай, балки организмда қутуриш касаллигита қарши қувват-иммунитет ҳосил қилиш қобилиятига эга эканлигини аққол кўрсатди.

Ҳали Пастер ўзининг ҳайвонлар устида олиб бораётган тажрибаларини тугатмасданоқ, унга қутурган ит қопган бир болани келтиришади. Пастер таваккал қилиб болани қутуришга қарши эмлайди. Натижада бола қутурмайди ва унинг ҳаёти сақланиб қолади. Одам устида олиб борилган бу биринчи тажрибадан сўнг, ит қопган кўплаб кишилар Пастер усули билан эмланиб, ўлимдан сақлаб қолинади. Ўз тадқиқотларининг яхши натижа берганидан мамнун бўлган Пастер яна ҳам кучлироқ таъсир қиладиган вакцина (кучсизлантирилган ва эмлаш учун ишлатиладиган вирус) топиш учун зўр бериб тажрибалар ўтказишда давом этади ва яхши натижаларга эришади. Унинг бу соҳадаги иши дунё фанида буюк кашфиётлар қаторидан ўрин олади.

Қутуришга қарши эмлашнинг моҳияти нимада?

Қутурган ҳайвон қопгач, одамда тезда 5 ҳафта, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақтлар қизиқиб, хабардор бўлиб турган. Россияда пастер станцияларининг ташкил қилинишига Пастернинг яқиндан ёрдам бергани, рус олимларининг бу буюк кашфиётдан биринчи бўлиб фойдаланиши ва уларнинг Пастер билан бир қаторда унинг рақибларига қарши курашда жонбозлик кўрсатганликлари рус ва француз олимларининг қадимдан жуда яқиндан алоқада ҳамда дўст бўлганликларини тасдиқловчи жонли далилдир. Масалан, Одессадаги пастер станциясининг мудири, машҳур рус микробиологи И. И. Мечников Парижга бориб Пастер билан бирга ишлайди. Пастер вафот этгандан сўнг унинг ишларини умрининг охиригача давом эттиради.

Пастер станциялари Россиядан сўнг бошқа мамлакатларда ҳам ташкил қилиниб, қутуришга қарши эмлаш ер юзидаги кўп мамлакатларда кенг қўлланила бошлайди.

Октябрь революциясидан илгари Ўрта Осиёда фақат Тошкентда биттагина пастер станцияси бор эди. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача. Республикамизнинг ҳамма йирик шаҳарларида пастер станциялари, кўпгина пастер пунктлари ташкил қилинган. Бу станция ва пунктлар кишиларни қутуришдан сақлашда жуда катта хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда кишилар орасида қутуриш касаллигининг деярли учрамаслиги машҳур олим Пастер кашфиётининг самарасидир. Пастернинг қутуриш касаллигини даволаш усулини топганига 75 йил тўлган кунда ер юзидаги ҳамма кишилар бу машҳур олимни ва унинг буюк кашфиётини катта миннатдорчилик билан эсга олмоқдалар.

В. МАЖИДОВ,

В. М. Молотов номидаги Тошкент медицина институти юқумли касалликлар клиникасининг доценти.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VII да **Оққуш кўли**, 8/VII да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Марварид қидирувчилар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 7/VII да **Азиз ва Санам**, 8/VII да **Сурмахон**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Илк севинчлар**.

«ИСКРА», — кеч соат 9 гача **Илк севинчлар**, кеч соат 9 — 40 минутдан **Полициячилар ва ўғрилар**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Олтин олмалар**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Севгилига шарф**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — **Полициячилар ва ўғрилар**.

«ИСКРА», «УДАРНИК», — **Илк севинчлар**.

«ИСКРА» (Кафанов номли парк), «ХИВА» — **Севгилига шарф**.

ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

бош механик, қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари, бош инженерлар, дурадгорлар, гишт терувчилар, бетончилар, сувоқчилар, арматурачилар

КЕРАК

Асосий ставкага тоғлик районлар учун белгиланган қўшимча ҳақ тўланади.

Олмалиқ шаҳар, Комсомольская кўча, 47-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Умаржон Исмоилов асари

ЗАФАР

4 парда, 6 кўринишли музикали драма.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **П. Раҳимов** ва **Ҳ. Раҳимов** музикаси.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **И. О. Юнгвальд-Хилькевич**, дирижёр — **Н. М. Гинзбург**, рассом — **Г. А. Визель**.

Коллектив бўлиб кўриш учун 33-907-телефон орқали заявкалар қабул қилинади.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

(ёзги театр)

7 июлда

КОНЦЕРТ

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа Имомхўжаев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Убайдулла Мадраҳимов, Эргашхон Мирмаҳмудова, Комилжон Жабборов**, солистлардан **Тўхта Рисметова, Одилжон Мирзақулов, Назрулла Ёқубов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Жарариқ кўча, 12-домкомда турувчи **Ориф Алимовнинг** Жарариқ кўча, Литвинов маҳалласи, 80-уйда турувчи Рашида Усмоновна Алимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиш бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 03765. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1472.